

# TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY  
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО  
общественный электронный  
ЖУРНАЛ

—  
JOURNAL  
2022

№3

### **Бош муҳаррир:**

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

### **Бош муҳаррир ўринбосари:**

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

### **Масъул котиблар:**

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

### **Таҳририят аъзолари:**

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

## Тарих ва Жамият илмий журнали

### ТАРИХНАВИС ГУЛБАДАН БЕГИМ МЕРОСИ

*Бахти Очилова*

Фалсафа фанлари доктори, профессор  
Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими кафедраси.  
Жиззах давлат педагогика институти (jspi.uz)

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўз даврининг билимли, фозила аёллардан бири бўлган темурий малика Гулбадан бегим шахсининг айрим белгилари ёритилган

**Аннотация:** В данной статье описаны некоторые черты личности тимуридской царевны Гулбадан, одной из самых знающих и знатных женщин своего времени.

**Annotation:** This article describes some of the features of the personality of the Timurid princess Gulbadan, one of the most knowledgeable and noble women of her time.

**Калит сўзлар:** тарихнавис, ноёб истеъдод, ақл-заковат, “Хумоюннома”, сиёсий вазият

**Ключевые слова:** историк, уникальный талант, разведка, «Хумоюннома», политическая ситуация.

**Keywords:** historian, unique talent, intelligence, "Humoyunnoma", political situation

Жаҳон тарихидаги энг буюк салтанатлардан бўлган бобурийлар салтанатининг зебо ва оқила вакиласи, катта ақл – идрок ва ноёб истеъдод эгаси, тарихнавис Гулбаданбегим ўз фаолияти ва ижоди билан Шарқ мамлакатлар тарихида, сиёсатида ва адабиётида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўз даврининг билимли, фозила аёллардан бири бўлган темурий малика Гулбаданбегим уч буюк ҳукмдор – Бобуршоҳ, Ҳумоюншоҳ ва Акбаршоҳ даврини қамраб олган мураккаб замонда яшаган. У буюк бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қизи, Ҳумоюннинг синглиси, Акбаршоҳнинг аммаси эди. Бинобарин, Гулбадан бегим томонидан ёзилган “Ҳумоюннома” асарида ҳам мана шу уч шоҳнинг шахсиятига, ҳукмронлик фаолиятига алоҳида урғу берилган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: “Фирдавс макон отам (Бобуршоҳ) ва Жаннати ошиён (Ҳумоюншоҳ) ҳақида хотиранома ёзиш ҳақида олий ҳазрати подшоҳ (Акбаршоҳ) томонидан фармон берилди. Олий ҳазратнинг фармонида итоат этган ҳолда хотирамда

## Тарих ва Жамият илмий журнали

колган, кўрган – кечирганларим ва эшитганларимни бирма – бир қоғозга туширдим”<sup>1</sup>.

Ўрта асрларда сарой маликалари орасида саводхон аёллар, эҳтимол, кўп бўлмагандир, лекин Гулбаданбегим ўз даврининг энг мукамал билимли фозила аёлларидан эди. Маълумотларга кўра, Акбаршоҳнинг кутубхонасида йигирма тўрт минг нусхадан зиёд китоб бўлиб, Гулбаданбегим бу кутубхонадан унумли фойдаланган. Маликанинг туркий ва форсий тилларни мукамал билгани бундан далолат беради. Гулбаданбегим “Ҳумоюннома” асарини форс тилида ёзган.

“Ҳумоюннома” асари XV асрнинг охири XVI асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларида содир бўлган тарихий воқеалар, дипломатик ва савдо алоқалари, оилавий муносабатлар, тўй ва аза маросимлари билан боғлиқ анъаналар, шахзодалар ўртасидаги тожу тахт учун курашлар, зиддиятлар ҳамда маданият, адабиёт, тилшунослик, география, этнография соҳаларидаги маълумотларни қамраб олган. Асардаги тарих, этнография фанларига оид маълумотлар билан бир қаторда, тилшунослар диққатини ўзига жалб қиладиган маълумотлар ҳам тарихий қиймати билан катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, “Ҳумоюннома” Мовароуннаҳр, Эрон, Кобул улуси - Афғонистон ва Ҳиндистон диёрларида ёзилган тарихий манбалар орасида Бобур билан боғлиқ воқеаларни тасвирлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Асарда айниқса Ҳумоюн боғлиқ хотиралар чуқур баён қилинган. Бу китоб 1996 йили ЮНЕСКОнинг махсус қарорига биноан француз олими Бакке Громон томонидан француз тилига таржима қилинган ва ундан аввал 1987 йили инглиз олимаси Анет Беверидж хоним томонидан инглиз тилига таржима қилиниб, мукамал изоҳлари билан ва форсча матни билан бирга чоп этилган. “Ҳумоюннома” 1998 йили тарих фанлари доктори Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси С. Азимджонова томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Шарқ адабиёти бўйича мутахассис, таниқли олима Аннята Сюзан Бевериж “Ҳумоюннома” ни таржимасининг сўз бошида “Бу китоб тенги йўқ ноёб асардир, унда малика ўзи мансуб бўлган аёллар дунёсини муфассал тасвирлаб берган. Тилининг соддалигига қарамасдан, бу асар киборлик ва малоҳат билан, ҳатто қаҳри қаттиқ шоҳларнинг фаолиятини ҳам саҳна ортида туриб зийраклик билан кузатиб борган улуғвор маликанинг мулоҳазалари баён қилинган бебаҳо манбадир. Муаллиф мулоҳазаларининг самимийлиги сарой тарихчиларининг кўпларини лол қолдириши ва уялтириб қўйиши ҳам мумкин” лигини қайд этган.

---

<sup>1</sup> Румер Годен. Гулбадан. Т., “Шарқ” нашриёт – Матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти.- 2007. – 8-бет.

## Тарих ва Жамият илмий журнали

“Ҳазрати подшоҳ (Бобур) Қобулни Носир Мирзога топшириб, ўзлари аҳли аёл ва фарзандлари – Ҳумоюн подшоҳ, Меҳржонбегим, Маъсума Султонбегим ва Мирзо Камрон билан бирга Самарқандга йўл олдилар. Бомдод пайтида Шоҳ Исмоил ёрдамида Самарқандни фатҳ қилдилар. Ва Мовароуннаҳр саккиз ой тўлиқ унинг (Бобур) қўли остида бўлди. Ака – укалар ўртасидаги муросасизлик ва мўғил аҳлининг муҳолифлиги натижасида Кўли Маликда Убайдуллахондан мағлуб бўлдилар ва у вилоятда бошқа қололмадилар. Шундан сўнг Бадашхонга, кейин Қобулга жўнадилар. Ундан сўнг ҳаёдан Мовароуннаҳр орзусини чиқардилар. Сана тўққиз юз ўнда Қобул ҳокимлиги уларнинг қўлига ўтди”.<sup>2</sup>

Инглиз адибаси Румер Годен “Гулбадан” асарида Гулбаданбегимнинг ҳаёти, ижоди, фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот бериб, унинг ноёб истеъдод ва ақл – заковат соҳибаси бўлганлигини ёзган. У “Ҳумоюннома” ҳақида тўхталиб тарихий шахсларнинг хусусиятлари, Бобурнинг Мовароуннаҳр ва Ҳиндистондаги ҳукмдорлик даври, олиб борган сиёсати, амалга оширган ислохотлари, Ҳумоюннинг Ҳиндистондаги ўн икки йиллик ҳукмдорлик даври, Акбаршоҳнинг турмуш тарзи, давлат бошқаруви, диний ислохотлари, жанг олиб бориш усуллари, шикор тафсилотлари, танаввул қиладиган таомлари, дам олиши, ишлаши, ҳинд рожалари билан муносабати кабилар мантиқан ва оброзли тарзда баён қилинганини, асарнинг ифода услубида табиат манзаралари, гул – чечаклар, мева – чева ва паррандалар дунёсини тасвирлашда қўлланилган содда аниқ ва ихчам иборалар кўзга яққол ташланишини таъкидлайди. “Гулбаданнинг нурли қалами билан тасвирланган хотиранома узок ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларни шунчалик аниқ ва ҳаққоний тарзда баён қиладики, ўқувчи гўёки телескопга тикилиб, кўхна тарих сахналарини яққол тасаввур этади. Муаллиф шаҳар қалъаси девори устидан туриб навбатдаги рақибига қарши жангга шайланаётган ёки эришган ғалабасини нишонлаётган сарбозларни кузатиб турган аёлларнинг ички дунёсини маҳорат билан тасвирлаб беради”.<sup>3</sup>

Кейинги давр тарихчиларнинг фикрига қараганда, Гулбаданбегим ўз асарида тарихий воқеаларни ва уруш ҳаракатларини аниқ баён қилган. Масалан, Бобурнинг Канва деган жойда маҳаллий ражбудларга қарши олиб борган жанги тавсилотларини бошқа тарихий манбаларга нисбатан анча муфассал ёритиб бера олган. “Подшоҳ ҳазратлари қўшинни бир жойга тўплашга фармон берди. Амирлар, беклар, султонлар, хонлар, сарой аёллари ва оддий фуқаро, катта – кичик – ҳамма бир жойга тўпланди. Кейин подшоҳ

<sup>2</sup> Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. Т.-1987. – Б-27.

<sup>3</sup> Румер Годен. Гулбадан. Т., “Шарқ” нашриёт – Матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. - 2007. – 12-бет.

## Тарих ва Жамият илмий журнали

уларга қарата мурожаат қилди: Беклар ва йигитлар! Ҳар ким ҳаёт мажлисига кирибдур. Ёмон от билан тирилгандин, яхши от билан ўлган яхшироқ. Барча Тенгрининг каломи оти ила онт ичмак керакким, ҳеч ким то бадандин жони айрилмағунча, бу муҳораба ва муқотоладин айрилмағай”.

Бобурийлар салтантининг катта нуфуз ва таъсир кучига эга бўлган Гулбаданбегим ўзининг зукколиги, саъй – ҳаракатлари билан Темурий шаҳзодалар, подшоҳ ота ва ўғил ўртасидаги низоларни ҳам бартараф этиб, сиёсий вазиятларни юмшатган ва тарих ғилдираги йўналишини тўғирлаб келган. Акаси Ҳумоюн ва жияни Акбаршоҳ даврида саройдаги ўзаро муносабатларда унинг фикри, маслаҳати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Акбаршоҳ ўғли Салимни ножўя ҳаракатлари учун Оллоҳободга сургин қилган ва аламзада шаҳзода отасига қарши исён кўтариш ниятида бўлган бир пайтда Гулбадан бегим Салимни отаси даргоҳига келиб, узр сўрашга кўндиради. “Подшоҳ ота бунга бефарқ қараб туrolмади, жойидан туриб ўғлининг қўлидан тутди ва ўз бошидан салласини олиб, шаҳзода Салимнинг бошига кийдириб қўйди. Бу марҳамат отаси уни нафақат кечиргани, балки уни тахт вориси сифатида тан олганини ҳам ифода этар эди. Акс ҳол рўй берганда, воқеалар бутунлар бошқача кечган бўларди”.

Гулбаданбегим ўрта аср Шарқда ягона тарихчи аёлдир. У яратган асар бир қатор жиҳатларга кўра бошқа тарихий асарлардан ажралиб туради. У кўп воқеаларни ўзининг кузатишлари асосида ёзган.

Темурий малика Гулбаданбегим ҳаётини, фаолиятини ва ижодини ўрганиш ва ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.